


Д. К. БАХРОНОВА

ОЛАМ МАНЗАРАСИНИНГ
МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ВА
ЛИНГВОКОГНИТИВ
КАТЕГОРИЯЛАНИШИ



УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИИ ВА УРГА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХРОНОВА ДИЛРАБО КЕЛДИЁРОВНА

ОЛАМ МАНЗАРАСИНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ВА
ЛИНГВОКОГНИТИВ КАТЕГОРИЯЛАНИШИ

“TURON-IQBOLO” нашриёти
ТОШКЕНТ- 2021

УДК 81-2
ББК 81 я 21
Б 17

Мазкур монографияда халқ ва менталитет, катэгория, инсон – тил – тафаккур – маданият, лингвокогнитив дунёқараш, оламнинг турли (лисоний, миллий-маданий, фольклор, мифология) манзаралари, концептуал таъқиқотлар, этнослар тарихи ва шахснинг лисоний онги, бадий матннинг концептуал маъзи, лисоний шахс, маданий код каби замонавий тилишунослик учун долзарб бўлган масалаларга эътибор қаратилади. Олам манзарасининг дунё тилишунослигида ўрнатилган назарий масалаларга муносибат билдириди ҳамда олам манзарасини лингвокогнитология, лингвомаданиятшунослик кесимида катэгорияларга бўлиб уларга таъриф ва тавсиф берилади, ўзбек ва испан тиллари метафора ва иборалари орқали моҳияти очиб берилади. Китоб талабалар, магистрантлар, таъқиқотчилар филологлар ҳамда соҳага қизиққан мутахассислар учун мўлжалланган.

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техникавий кенгашининг 2021 йил 20 апрелдаги 6-сонли Қарори билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррирлар:

филология фанлари доктори, профессор Хамидулла Далабоев
филология фанлари доктори, профессор Кудратулло Омонов

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор Шахриёр Сафаров
филология фанлари доктори, профессор Зулхумор Холманова

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техникавий Кенгашининг 2021 йил 20 апрелдаги 6-сонли Қарорига асосан чоп этилди.

ISBN 978-9943-14-804-8

© «TURON-IQBOI», 2021

КИРИШ

Жаҳон тилишунослиги олдида турган муҳим вазифалардан бири турли тизимли тилларда олам манзарасини катэгориялашда когнитив-концептуал ва миллий-маданий хусусиятларни аниқлашнинг тил бирликларининг умумий ҳамда ўзига хос алоқалари кўпий тадқиқи саналмоқда. Турли тиллар олам манзарасини ўрганишда фаол бўлган метафора ва иборалар моҳияти ва уларнинг тилда воқеаланишини тавсифлаш, олам манзараси ходисасини оламнинг турли манзаралари (фалсафий, шиквий, фольклор, миллий-маданий ва ҳ.к.) кесимида катэгориялаш, уларнинг шаклланиш ҳамда вербаллашувиغا туртки бериладиган лисоний ва нолисоний омилларни аниқлаш долзарб масъуланмоқда.

Жаҳон статки илмий марказларида замонавий тилишуносликда олам манзарасининг кенг миқёсдаги тадқиқи когнитив тилишунослик, лингвомаданиятшунослик, социолингвистика каби йўналишлар доирасида кенг ўрганилмоқда, бунда метафора ва ибораларнинг лингвогеографик, лингвогеральдик, гендерологик каби жиҳатлари тавсифини ёритиш, уларнинг инсон нутқий функциясидаги ролини аниқлаш, олам манзарасини катэгориялашда турли тизимли тиллар метафора ва ибораларини қиёсий-когнитив тадқиқи этиш, назарий-методологик тамойилларини белгилаш ҳамда этнослар миллий ментал тафаккурини мажмуавий кўринишида изчил тадқиқи этиш муаммоси бутун янада интегратциялашаётган жаҳон илм-фанида чуқур тадқиқотлар ўтказишни талаб этмоқда.

Сунгги йилларда мамлакатимизда асосан олам лисоний манзарасида турли тиллар таққослаб метафора ва иборалар илмий-маданий тадқиқи изчил ўрганилмоқда. Инчунун, метафора ва иборалар минг йиллар давомида шаклланиб, халқларнинг тарихий тафаккури, миллий-маданий онг-шуури ҳосиласи ўларок буғунимизга келар етиб келган. Бошқа тилларга қиёсий-когнитив ҳолда ўзбек тили бойликларини юзага чиқариш ҳамда жаҳон ривожланган тиллари каторига қўлини давлат сибсати масаласига айланган. Тил бойликларини миллат маданияти, тафаккурига боғлаб бошқа фанлар интегратсияси кесимида ўрганиш натижасида этносларга хос бўлган миллий-маданий меъёр ва қоида-қонуниятлар очиб берилмоқда. Олам манзарасини катэгориялашда тилнинг бой фонди ҳисобланган метафора ва иборалар, шак-